



# XASR



IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Газета 2004 йил 1 январдан чиқа бошлаган.  
e-mail: axborotXasar@yahoo.com,  
web sayt: www.21asr.uz

2013 йил 28 ноябрь,  
пайшанба, 48 (524)-сон

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



2013 йил — «Обод турмуш йили»

4 ТАДБИРКОРЛИК



Қуйи бўғин ишончини оқлаши керак

5 ХУДУДИЙ КЕНГАШЛАРДА



«Chevrolet Orlando» муборак!

8 АВТОСАНОАТ

## ХХР Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцянининг Ўзбекистонга ташрифига доир

Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Кэцян 2013 йил 28 ноябрда расмий ташриф билан Ўзбекистонга келади

Ташриф дастурида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан учрашув кўзда тутилган.

Шунингдек, ҳукуматлараро музокаралар ўтказиш, турли соҳаларда Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатларни имзолаш режалаштирилмоқда.

## Молиявий барқарорлик асоси

О'zLiDeP фракциясининг навбатдаги йиғилишида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган бир қатор масалалар муҳокама қилинди



Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2013 йилнинг тўққиз ойидаги ижроси яқунларига оид ҳисобот муҳокамаси билан бошланган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилиши туфайли ҳисобот даврида макроиқтисодий барқарорлик ва иқтисодиётнинг изчил ўсиш суръати таъминланаётгани алоҳида таъкидланди. О'zLiDeP аъзоларининг фикрича, ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 8,1 фоизга ўсгани бу фикрга мисол бўлиши мумкин.

— Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 9,4 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти етиштириш 6,8, хорижий инвестиция ва кредитларни ўзлаштириш ҳажмининг 12,1 фоизга кўпайиши ҳисобига ана шундай кўрсаткичга эришилди, — деди тадбирда молия вазирининг биринчи ўринбосари Баҳром Юсупов.

2 >>>

# Ўзбекистон фарзанди эканимдан фахрланаман

О'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба-2013» кўрик-танлови ғолиблари тилида ана шу сўзлар баралла янгради



Солиқ ЗОИР олган суратлар

Касб-ҳунар коллежи, академик лицейларнинг олти мингдан зиёд иқтидорли, ташаббускор ва ўз кучи, имкониятларини намоиш этишга қодир талабаларини синовдан ўтказган ушбу танлов О'zLiDePнинг «Обод турмуш йили»даги энг йирик лойиҳаларидан бири бўлди. Ўтган ўн ой давомида аввал шаҳар ва туманлар, кейин эса вилоят босқичларида тобланган иқтидор эгаларининг 42 нафари республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Қуни кеча ана шу лойиҳа ғолиблари эълон қилинди.

3 >>>

ҲУҚУҚИЙ  
ЭКСПЕРИМЕНТ

## ҚАМЧИЛИКЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ИМКОНИ

Бухоро шаҳрида О'zLiDeP ташаббуси билан ахборот соҳасини либераллаштириш ва соҳага оид қонунчиликни янада такомиллаштириш масалаларига бағишланган давра суҳбати ташкил этилди. Маълумки, О'zLiDeP электорати саналган мулкдорлар қатлами давлат ва хўжалик бошқаруви тизимини демократлаштириш бўйича белгиланган ислохотларнинг изчил ўтказилишидан бошқа соҳа вакиллариغا нисбатан кўпроқ манфаатдордир. — Бу борадаги устувор вазифаларни амалга ошириш учун давлат бошқаруви ва ахборот соҳасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш, янги ҳуқуқий механизмларни жорий этиш ниҳоятда муҳим, — дейди парламент қўйи палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Солиев. — Шу маънода, Бухоро ва Самарқанд вилоятларида синовдан ўтказилаётган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ана шу жараёнга халал бераётган, ахборот олишга монелик қилаётган баъзи бир қамчиликларни бартараф этиш имконини беради.

3 >>>

## Аҳоли репродуктив саломатлиги мустаҳкамланмоқда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида БМТ Аҳолишунослик жамғармаси — ЮНФПА томонидан жаҳон мамлакатларида аҳолининг репродуктив саломатлигини яхшилаш, эрта турмушга чиқишнинг олдини олиш, вояга етмаганларга никоҳ ўқитиш ҳолатларига барҳам бериш борасида олиб борилаётган ишларнинг йиллик ҳисобот-тақдимоти бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Нилуфар Тожибоева, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази директори Акмал Саидов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш масалаларига устувор эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлади. Давлатимиз раҳбарининг

2009 йил 1 июлда қабул қилинган «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги қарори бу борада муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилаётир.

БМТ Аҳолишунослик жамғармаси 1993 йилдан буён мамлакатимизда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳ-

камлаш, ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, юқумли касалликлар профилактикасига кўмаклашиш каби қатор хайрли ишларга ўз хиссасини қўшиб келмоқда. ЮНФПА аҳолишунослик дастурларини ҳаётга татбиқ этиш, соғлиқни сақлаш бўйича миллий тизим самарадорлигини ошириш, она ва бола саломатлигини мустаҳкамлаш, атроф-муҳит мусоф-фолигини таъминлаш каби масалаларда ҳам мамлакатимиз билан самарали ҳамкорлик қилаётир.

2 >>>

## ҚУШҚАБАР

### ҚАМЧИҚ ДОВОНИДА ТЕМИР ЙЎЛ ТОННЕЛИ ҚУРИЛМОҚДА

19 километр узунликдаги тоннелни барпо этиш ишлари Хитойнинг «China Railway Tunnel Group» компанияси томонидан олиб борилапти. Маълум бўлишича, Фарғона водийсини мамлакатимизнинг қолган қисми билан боғловчи Ангрэн-Поп темир йўл линиясининг асосий объекти сифатида тилга олинаётган ушбу тоннелни бунёд этиш лойиҳаси 455 миллион АҚШ доллари миқдорига баҳоланган. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, умумий қиймати 1,9 млрд. долларни ташкил этадиган Ангрэн-Поп темир йўлини қуриш лойиҳаси, шубҳасиз, Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятларини янада юксалтиришга хизмат қилади.

## КЕЛГУСИ СОНЛАРДА:

ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ  
ФИКРИЧА, 2014 ЙИЛДА  
ҲАМОНДА ШАХСАНИНГ  
9 ҲАМОНДА 8 ҲАМОНДА  
КАМАЙТИРИЛИШИ КОРХОНА  
ВА ТАШКИЛОТЛАР  
ИХТИЁРИДА 132 МЛРД. СЎМ  
АТРОФИДА МАБЛАҒ  
ҚОЛДИРИШ ИМКОНИНИ  
БЕРАДИ





Асосий эътибор кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш, соҳада янги технологияларни қўллашга қаратилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Бу Концепцияда илгари сурилган гоаялар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодасидир

## Ўзбекистон фарзанди эканидан фахрланаман

О'zLiDePнинг «Ишбилармон талаба-2013» кўрик-танлови ғолиблари тилида ана шу сўзлар баралла янгради



Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Шухрат РАХИМОВ,  
«XXI asr»

**Танлов якунланди. Аммо тадбир сўнггида қайд этилганидек, кўзларида нур, қалбида шижоат тошаётган янги авлод вакиллари шу Ватан, шу юрт фарзанди эканидан фахрланиш тўғрисида ҳис этаётгани аслида танлов жойлардаги реал ишлар орқали давом этажигидан далолат бераётгандек.**

Маълумки, Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Сайловолди платформасида ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг касбий, ижодий ва хизмат погоналаридан ўсишлари учун қўлай шароитлар яратиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш энг устувор масалалардан бири сифатида белгилаб олинган. Бундай эзгу мақсадга эришиш учун эса О'zLiDeP 2004 йилдан бери «Ишбилармон талаба», «Агар мен депутат бўлсам...» сингари ўнлаб лойиҳаларни изчил амалга оширмоқда. Энг муҳими, ушбу сайё-ҳаракатлар академик лицей ва касб-хунар коллежлари талабаларини партия ҳаракат дастурларидан хабардор этиш орқали маслаҳатлар сафини салоҳиятли ёшлар ҳисобига бойитишга хизмат қилляпти.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси ташаббуси билан ташкил этилган кўрик-танлов жорий йилда ҳам мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юксак савияда ташкил этилди.

Тадбирнинг биринчи куни кўрик-танлов иштирокчилари ўзлари тайёрлаган маҳсулотлар ва бизнес соҳасида амалга ошираётган ишларини намойиш этдилар. Ҳали ёш бўлишига қарамай, муайян натижаларни қўлга киритаётган йигит-қизлар томонидан ташкил этилган кўргазмага Олий Мажлис Қонунчилик палатаси раҳбарлари, тажрибали тадбиркор ва фермерлар, ҳатто чет эллик меҳмонлар ҳам ташриф буюришди.

О'zLiDePнинг ёшларга оид дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда илгари сурилган ташаббус кўпчилик томонидан ижобий баҳоланиб, битирувчиларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб этиш ёшларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг самарали воситаси экани таъкидланди. Мақзур лойиҳа доирасида ташкил этилган тадбирларда ёшларнинг чет тилларни қанча-

лик эгаллаганликларидан тортиб, сиёсий жараёнларга муносабатига таҳлил қилинди. Жами олти мингга яқин талабани бирлаштирган тадбирда асосий эътибор кичик бизнес ва фермерликни ривожлантириш, соҳада янги технологияларни қўллашга қаратилди. Ҳар бир вилоятда энг яхши деб топилган 3 нафар, жами 42 нафар йигит-қизнинг бизнес-лойиҳасида инновацион ташаббусларни иқтисодийнинг реал секторига жорий этиш бўйича ҳам бир қатор таклифлар илгари сурилди.

— Фарғоналик Ўғиллой Жўраеванинг Импонияти чекланган шахслар ихтисослаштирилган касб-хунар коллежи талабаси бўлишига қарамай, астойдил интилишлари ҳайъат аъзоларини ҳам ҳайратга солди, — дейди О'zLiDeP фракцияси аъзоси Барно Абдуллаева. — Нозик мунчоқлардан турли буюмлар ясаган Ўғиллой ўз ишини кичик бизнесга айлантириб, импониияти чекланган тенгдошларини шундай машғулларга ўргатувчи тўғарак ҳам очибди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуқодир Тошқуловнинг фикрича, кўрик-танловга ташриф буюрган иштирокчиларнинг ҳар бири ўзига хос иқтидор ва қобилиятга эга.

— Мана, масалан, Хўжайли тиббиёт коллежи талабаси Гулбону Жонибекова ажойиб кўғирчоқлари билан қорақалпоқ халқининг миллий нақшларини акс эттирибди, — дейди депутат. — Унинг келажак режалари ҳам истиқболли. Яъни, банк кредити эвазига тўқувчилик цехи очиб, ўша кўғирчоқ ва нақшларни биринчи навбатда сайёҳларга таклиф қилмоқчи. Бу сердаромад йўналиши бўлиш билан бирга миллий қадриятларни тарғиб қилишга ҳам хизмат қилади.

содиётини юксалтириш, жойларда янги иш ўринлари яратишга кўмаклашидир. Аслида «Ишбилармон талаба» кўрик-танловидан кўзланган асосий мақсад ҳам шу эмасми?!

Ўз мақсади сари дадил интилаётган ёшлар илгари сураётган гоаяларнинг хилма-хиллигидан якуний босқич ғолибларини аниқлаш ҳақамлар ҳайъатига осон бўлмади. Бу эса ёшларимиз келажакда халқимиз фаровонлигини таъминлашга ҳисса қўшишга тайёрлигини кўрсатади, албатта.

— Бугун Юртбошимиз раҳнамолигида ёшларга қаратилаётган юксак эътиборни ҳар биримиз сезиб турибмиз, — дейди танлов ғолибларидан бири, Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежи талабаси Гавҳар Хайдарова. — Буни биз «Ишбилармон талаба» лойиҳасининг куйи босқичларида олиб борилган ишларнинг самараси ҳамда эришилган натижаларда ҳам ҳис этмоқдамиз.

Танлов якунланди. Аммо тадбир сўнггида қайд этилганидек, кўзларида нур, қалбида шижоат тошаётган янги авлод вакиллари шу Ватан, шу юрт фарзанди эканидан фахрланиш тўғрисида ҳис этаётгани аслида танлов жойлардаги реал ишлар орқали давом этажигидан далолат бераётгандек. Буни ҳайъат аъзоларига ўз лойиҳасининг асосли эканини куйиниб исботлашга уринган сирдарёлик Муаззам Абдурахимов ва тошкентлик кампан, аммо ўймакорлик ишлари билан кўпчилик эътиборини тортган Абдурахмон Асадов мисолида ҳам кўриш мумкин.

«Ишбилармон талаба-2013» кўрик-танлови ғолиб ва совриндорларини тантанали тақдирлашга бағишланган маросимда ҳам ана шундай фикрлар билдирилди. Хусусан, О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Мухаммадсуф Тешибоев, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхон мамлакатимизда тадбиркор ёшларнинг янги авлоди майдонга чиқаётгани, бу борада уларга давлат ва жамоат ташкилотлари, молия муассасалари ва сиёсий партиялар яқиндан ёрдам бераётганини таъкидлаб, бугунги тадбирнинг асосий натижаси ёшларнинг навбатдаги фаолиятларида акс этишига умид билдирди.

### ҲУҚУҚИЙ ЭКСПЕРИМЕНТ



## Камчиликларни бартараф этиш имкони

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Асхор ИСТАМОВ,  
«XXI asr»

Дарҳақиқат, давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ошкораликнинг таъминланиши ахборот эркинлиги масаласи билан чамбарчас боғлиқдир. Ушбу қонун лойиҳасини такомиллаштириш юзасидан биргина Бухоро вилоятида 200 га яқин таклиф билдирилган бўлса, уларнинг 50 фоизи айнан О'zLiDeP аъзолари томонидан илгари сурилди. Жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, нодавлат ношароат ташкилотлари вакилларининг эксперимент субъектлари саналган корхона ва ташкилотларнинг коллегиял мажлисларида иштирок этиши хусусида шаҳар ва туман ҳокимликлари веб-сайтларида эълонлар жойлаштирилиб, шу хусусда босма ОАВларда атрофлича маълумотлар берилмоқда. Натижада Бухоро вилоятидаги 26 та бошқарма ва ташкилотларда ўтказилган йиғилишларда 30 га яқин журналист, 46 нафар фуқаро, 12 нафар ННТ вакили иштирок этди.

— Ҳуқуқий эксперимент бошланганидан бери фуқаролар, корхона ва ташкилотлар, ННТ ҳамда ОАВлардан вилоят ҳокимлигига 183 та, шаҳар ва туман ҳокимликларига 316 та, корхона ва ташкилотларга 1014 та, жами 1513 та сўров тушди, — дейди вилоят ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари Акбар Рустамов. — Бу му-

рожаатларга белгиланган тартибда жавоб қайтарилди. Лекин ана шундай натижаларга қарамай, ҳуқуқий эксперимент субъектлари бўлган айрим муассаса, корхона ва идораларга йўлланган сўровларга етарлича эътибор берилмаётгани каби ҳолатлар ҳам учрамоқда. Бу ҳақда «Бухоронома» газетасининг 18 сентябрь сонида «Жавобсиз қолаётган сўровлар», 30 октябрь сонида эса «Газета ўқимайдиган раҳбарлар» сарлавҳали мақолалар чоп этилди.

Давра суҳбатида О'zLiDeP вилоят кенгаши раиси Фармон Аминовнинг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти очкилигини таъминлаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг синови бўйича ҳуқуқий эксперимент ўтказиш жараёнида партия вилоят кенгашининг иштирокига оид ахбороти ҳам эшитилди.

Тадбирда, шунингдек, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Бухоро минтақавий бўлини раҳбари Шухрат Бафоев, О'zLiDeP Бухоро туман кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати Улмас Раҳматов, Пешку туманидаги «Фаттоев» фермер хўжалиги раҳбари Ёқуб Фаттоев сўзга чиқиб, қонун лойиҳаси «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»да илгари сурилган гоаялар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётганининг ёрқин ифодаси эканилигини таъкидладилар.

## ТОМДИЛИК ТИНИБ-ТИНЧИМАС ИШБИЛАРМОНЛАР

Томди туман ҳокимлиги мугасалдилари 2013 йилнинг тўққиз ойида 56 та кичик корхона ва 156 та микрофирма томонидан беш миллиард сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилганини таъкидламоқдалар. Қизилқум марказида жойлашган туман аҳли учун ҳар куни мингдан зиёд ширмой ва буханка, мактаб ва коллежларга булочка, шунингдек, ойига олти тоннадан зиёд макарон маҳсулотлари етказиб бераётган «Томди сако» масъуляти чекланган жамияти ҳам ана шундай тадбиркорлик субъектларидан. Зарафшонлик ишбилармон Нурлан Зарипов қурилиш тугалланмаган бинони озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасига айлантириб, 50 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига нон ва макарон ишлаб чиқариш ускуналари харид қилди. Олинган маблағ қисқа фурсатда қайтарилганидан кейин эса яна 100 миллион сўмлик кредит олинди. Айни пайтда янги ишга туширилган савдо дўкони орқали аҳоли дастурхонига нон маҳсулотларидан ташқари сабзавот, полиз, суг, шунингдек, бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам узлуксиз етказиб берилляпти. Энг муҳими, 25 та янги иш ўрнининг саккизтасини жорий йилда Томди агроиқтисодиёт касб-хунар коллежини битирган ёшлар эгаллади.

Мансур АСЛОНОВ.

## САЙЛОВЛАР ЮКСАК УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Қанчаларё вилоятда ҳам фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови қизгин ўтмоқда. Мухим тадбирларда 637 та маҳалла фуқаролар йиғини раиси ва уларнинг олти миң нафардан зиёд маслаҳатчиси сайланади. — Маҳаллий ҳокимликларнинг сайловга кўмаклашувчи комиссиялари фуқароларни қабул қилиш хоналари, компьютер жамланмалари ва ишонч телефонлари билан таъминланган, — дейди фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссияси раиси Эсонбой Ражабов. — Сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида комиссиялар ва ишчи гуруҳлари аъзолари иштирокида жойларда қўллаб-қувватлаш семинарлари, давра суҳбатлари ташкил этилди. Сайловни ўтказиш тартибидан фуқароларни кенг хабардор қилишда фуқаролик жамияти институтлари, ОАВлар фаоллик кўрсатаётти. Сайфулла ИКРОМОВ.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

Луқмони ҳаким айтадики: — Одам учун дунёда билимдан яхшироқ ёр йўқ ва билим хазинадан ҳам яхшироқдир. Чунки сен хазинани эҳтиёт қилишинг керак. Билим эса сени қутқаради ва муҳофаза қилади.

## Бюджет маблағларининг

60 фоизга яқини ижтимоий соҳа тармоқлари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига йўналтирилади.

### МУНОСАБАТ

## Бюджет маблағларидан ким қандай фойдаланяпти?

Ўзбекистон Республикасининг Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси томонидан 2013 йилнинг тўққиз ойида республика ҳамда маҳаллий бюджетлардан маблағ билан таъминланадиган бир юз етмишдан ортиқ объектда режали текширувлар ўтказилиб, бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш жараёнлари атрофлича таҳлил этилди.

Соҳа мутасаддиларининг маълум қилишича, бюджет тизимида маблағларнинг шаклланиши, бюджетнинг даромад ва харажат қисми ўртасида, айниқса, ҳудудлар кесими ва маълум бир муддатларда мутаносиблики таъминлаш жуда мураккаб жараён бўлиб, бу қатъий назоратни талаб этади.

Айни пайтда бюджет маблағларининг 60 фоизга яқини ижтимоий соҳа тармоқлари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатларига йўналтирилади, жами бюджет харажатларининг 33 фоиздан зиёди таълим, 14 фоизи эса соғлиқни сақлаш соҳасига ажратилаётгани ана шу соҳа ва тизимларда эришилаётган бекиёс натижаларга асос бўлмоқда. Юз-юзлаб янги ва замонавий корхоналар, касалхона ва поликлиникалар, мактаб, коллеж ва лицейлар, ишга туширилаётган замонавий мажмуалар шубҳасиз, миллий иқтисодий тизимнинг кучлиги ва барқарорлигидан далолатдир.

Аммо ана шундай эзгу ишлар жараёнида айрим соҳа ва тизимларда бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланилаётганидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Бундай ҳолатларнинг олдини олишга эса Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси ҳамда Молия вазирлиги мутахассислари алоҳида масъулият билан ёндашмоқдалар.

Қуйидаги мисолларга эътибор қаратайлик: ўн тўртта олимпия захиралари коллежида ўтказилган текширувлар давомида харид қилинадиган истеъмол товарлари нархи ошириб кўрсатилгани, иш ҳақи асосиз тўлангани ва бошқа молиявий ҳуқуқбузарлик натижасида давлат бюджетига 2,2 миллиард сўм зарар етказилгани аниқланган. Гарчи бугунги кунда етказилган ана шу зарар тўлиқ ҳажмда ундирилган бўлса-да, кишида ҳақиқат билан савол туғилади. Ўз манфаатини давлат фуқаролар манфаатидан устун қўйган айрим «олғир»лар давлат мулкига хиёнат қилиш юрдошларимиз, айниқса, фарзандларимиз, охири оқибатда эса ўз-ўзимизга хиёнат қилиш билан баробар эканини нахотки тушунаётган бўлсалар? Бугун қай бир вилоят, шаҳар ва туманга бормайлик, улкан қурилишларга, замонавий бинолар, равон кўчаларга кўзимиз тушиб, дилимиз яйрайди. Беихтиёр шу юрт фарзанди эканингдан фахрланасан.

Аммо гуруч курмасиз бўлмайди, деганларидек...

Масалан, Сурхондарё вилоятининг Узун туманида «Махсус қурилиш таъмин-бутлаш» масъулияти чекланган жамияти пудрат ташкилоти томонидан 360 ўқувчиға мўлжалланган ва 150 ўринли ётоқхонага эга касб-хунар коллежини қуришда ишлар ҳажми 67,7 миллион сўмга ошириб кўрсатилгани аниқланган. Шу билан бирга, «Жанубгазмахсусмонтаж» унитар корхонаси пудрат ташкилоти Наманган вилояти Косонсой туманида «Обод» сув чиқариш иншоотини бунёд этишда қурилиш материаллари нархи, механизмлар ва қурувчиларнинг бир соатлик иш қиймати ошириб кўрсатилгани сабабли 244,4 миллион сўм ортиқча олинган.

Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги тизимини текшириш давомида қурилиш ишлари ҳажми, шунингдек, материаллар ва ишлатилган электр энергияси нархи ошириб кўрсатилгани маълум бўлди. Мисол учун, «Фарғона шаҳридаги Марғилонсой канални реконструкция қилиш» объектда бир квадрат метр металл тўсиқ нархи 28,4 минг сўмга асосиз равишда ошириб кўрсатилгани оқибатида объектнинг бошланғич қиймати 527,5 миллион сўмга кўпайган. Тошкент шаҳридаги Анҳор канални реконструкция қилишда нархлар оширилиши натижасида «Паркентсувқурилиш» очиқ акциядорлик жамияти пудрат ташкилоти томонидан 77,2 миллион сўм ортиқча олинган.

Гарчи бюджет маблағлари ижросини изчил назорат қилиб, бундай ҳолатларнинг қайта такорланмаслиги учун турли тадбирлар, учрашувлар орқали кенг тушунтиришлар олиб бораётган Ҳисоб палатаси ва Молия вазирлигининг назорат-тафтиш бошқармаси мутахассислари саъй-ҳаракати туфайли қонунбузарлардан 1,8 миллиард сўмдан зиёд маблағ ундирилган бўлса-да, бу борадаги назорат ишлари янада кучайтирилиши лозим, деган хулоса келиб чиқади.

Шу ўринда бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланиш ва уларни ўзлаштириш билан боғлиқ аниқланган барча ҳолатлар бўйича текширув материаллари қонунчиликка мувофиқ чора кўриш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топширилганини алоҳида таъкидлаш керак.

Бу эса бюджетдан маблағ билан таъминланадиган корхона, ташкилот ва идоралар раҳбарлари ҳамда молия ходимлари бюджет маблағларидан нотўғри ва мақсадсиз фойдаланилган ҳар бир ҳолат учун жавоб беришга тўғри келишини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик лозимлигини аниқлатади.

**Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси материаллари асосида тайёрланди.**

### БИР ҲОВУЧ ДУР

**Доно миясини тўлдиргани қайғурса, нодон қорнини тўйдиргани қайғуради.**

## Лойиҳа самарасининг рақамлардаги акси

Сурхондарё вилоятида 21114 нафар O`zLiDeP аъзоси бўлиб, уларнинг 7910 нафари хотин-қизлардир



Фарход ТОШБОВ

O`zLiDeP Сурхондарё вилоят кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллигини, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими муdiri Матлуба Жўраеванинг маълум қилишича, улардан 763

нафари тадбиркор, 95 нафари фермер хўжалиги етакчиси.

— Дастурий вазифаларимизни амалга оширишда, албатта, улар кўмагига суянаёмиз, — дейди суҳбатдошимиз. — Аёллар ўртасида либерал-демократик гоялар ва кадрларнинг кенг тарғиб этишга қаратилган қатор тадбирларда асосий эътибор тадбиркор аёлларнинг ҳуқуқ ва

манфаатларини ҳимоя қилиш, янги қабул қилинаётган қонунларнинг мазмун-моҳиятини ўрганиш масалаларига қаратилмоқда.

Жорий йилда «Аёллар қаноти» томонидан амалга оширилаётган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳасининг туман ва шаҳар босқичларида 400 нафардан ортиқ хотин-қиз иштирок этди. Энг

муҳими, шу кунгача ана шу лойиҳа доирасида ўтказилган тадбирларда фаол қатнашган 7 нафар опа-синглимизга тижорат банкларидан жами 113 млн. 800 минг сўмлик кредит ажратилди.

Масалан, Жарқўрғон туманида касаначилик билан шуғулланаётган тадбиркор Ханифа Қаророва ип ва газлама бўёғини ишлаб чиқаришни йўлга қўйган бўлса, Денов туманидан Мухайё Каримова телеаудио ва радиоаппаратура жиҳозлари сотиб олиш учун «Микрокредит-банк»дан 30 млн., Шеробод туманидан Дилфуза Курбонова эса компьютер хизматлари кўрсатиш учун 10 млн. сўм миқдоридан кредит олди. Музработлик Гулчехра Пирназарова ҳам чорвачиликни ривожлантириш учун Халқ банкидан 55 млн. сўм миқдоридан кредит олиб, ўз тадбиркорлигини бошлади. Лойиҳада фаол иштирок этган яна 38 нафар хотин-қиз эса кредит олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиряпти.

Бир сўз билан айтганда, Сурхондарёда ҳам «Аёллар қаноти» партиявий лойиҳалар доирасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ҳудудлардаги ўзгаришлар, жамиятнинг янгиликларига жараёнларида хотин-қизларимиз иштироки кучайиб бораётганининг яна бир далолати дир.

### 8 ДЕКАБРЬ

— ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ ҚЗНИ

## ТАРАҚҚИЁТИМИЗ АСОСИ

Юртимизда халқ фаровонлигини юксалтириш, меҳнат қилиш учун қулай шароит яратиш борасидаги улкан имкониятлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда ҳам муҳим омил бўлаяпти. Бунинг хусусий сиктор вакилларининг яқини йилдан-йилга охири бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Конституцияимизнинг 36-моддасида «Ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли» экани, 37-моддада эса «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб ташлаш, адолатли меҳнат шартларидан ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эга» экани қатъий белгилаб қўйилгани ҳам бежиз эмас. Конституцияимизнинг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасида» дейилган. Шу моддага биноан республикамизнинг табиий бойликларида халқ ва давлат манфаатлари учун фойдаланилаётган. Бунда республика раҳбарияти оқилона, узоқни кўзлаб иш юритмоқда. Хулоса қилиб айтганда, Конституцияимиз мустақил мамлакатимиз ривожланишининг асос-замини бўлиб хизмат қилмоқда.

Бахтиёр ХўЖАЁРОВ, Халқ депутатлари Самарқанд вилоят кенгашидаги O`zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси.

## Масъулият ва дахлдорлик

Қашқадарёда 530 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилоти фаолият олиб бормоқда

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятимизга яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди «Умид» нодавлат нотижорат ташкилоти директори Дилдора Амиркулова. — 2011 йил вилоятимиздаги 5 та, 2012 йилда 10 та, 2013 йилда эса 18 та ННТ ушбу фонд грантларини қўлга киритди.

Қарши шаҳрида ташкил этилган «Дахлдорлик ва масъулият билан мамлакат равнақи йўлида!» мавзудаги форумда ана шу рақамлар

тилга олинди. Тадбирда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари вазири фаолиятининг бошқа жамоат фонди фаолиятимизга яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди «Умид» нодавлат нотижорат ташкилоти директори Дилдора Амиркулова. — 2011 йил вилоятимиздаги 5 та, 2012 йилда 10 та, 2013 йилда эса 18 та ННТ ушбу фонд грантларини қўлга киритди.

Қарши шаҳрида ташкил этилган «Дахлдорлик ва масъулият билан мамлакат равнақи йўлида!» мавзудаги форумда ана шу рақамлар тилга олинди. Тадбирда ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий соҳаларда маҳаллий ҳокимият органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари, тадбиркорлик субъектлари вазири фаолиятининг бошқа жамоат фонди фаолиятимизга яқиндан ёрдам бермоқда, — дейди «Умид» нодавлат нотижорат ташкилоти директори Дилдора Амиркулова. — 2011 йил вилоятимиздаги 5 та, 2012 йилда 10 та, 2013 йилда эса 18 та ННТ ушбу фонд грантларини қўлга киритди.

жамғармаси вилоят бўлими раиси Шарофат Ашурова. — ННТлар фуқаролик жамиятининг энг фаол бўғинларидан бири бўлиб, давлат тузилмаларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган дастурларни самарали амалга оширишда уларнинг ўрни сезиларли даражада охири бормоқда. Жамғармамиз ҳам «Саёҳат имконияти» лойиҳаси учун 15 миллион сўмлик грант ютиб, кам таъминланган оилалар ва ногиронларни мамлакатимизнинг тарихий шаҳарларига саёҳатга олиб боришни ташкиллаштиряпти. Мамнуният билан таъкидлаш кераки, соғлиқни сақлаш, экология, аҳоли бандлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя ва бошқа соҳалар ечимида ННТлар иштироки йил сайин фаоллашиб бормоқда.

2013 йил «ОБОД ТУРМУШ ЙИПИ»

## КОГОНЛИК ТАДБИРКОРЛАР

Бухоро вилояти Когон туманидаги «Одинаев» ҳуқуқий корхонаси электр двигателларни тазмирлаш, синовдан ўтказиш, шунингдек, замонавий эшик-дарвоза ҳамда бошқа қурилиш материаллари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. 2000 йилдан буён барқарор ва самарали фаолият кўрсатиб келаётган кичик корхонада йигирмага яқин ишчи-мутахассис меҳнат қилмоқда.

Тоҳир ИСТАТОВ (ЎЗА) олган сурат.



**Партия аъзоларининг**

38,1 фоизини аёллар, 50,2 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этаётёр.

**Таҳлиллар ҳудудлардаги**

айрим бошланғич ташкилотлар фаолияти талаб даражасида эмаслигидан ҳам далолат берапти.

**Ҳудудий партия**

ташкilotнинг 2013 йилнинг тўққиз ойидаги фаолияти атрофлича муҳокама қилинди

КУЧЛИ ҚҲЙИ БЎҒИНДАН — КУЧЛИ ПАРТИЯГА

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

48 (524)-СОН, 2013 ЙИЛ 28 НОЯБРЬ, ПАЙШАНБА

## Қуйи бўғин ишончни оқлаши керак

Маълумки, жамиятни янгилаш ва модернизациялашга қаратилган бугунги туб ислохотлар жараёнида жамоат ташкилотлари, хусусан, сиёсий партиялар зиммасига алоҳида масъулият юклатилган. О'zLiDeP ва унинг қуйи бўғинлари ҳам ана шу талабдан келиб чиқиб, омма орасига чуқурроқ кириб бориш, гоёвий-сиёсий ишлар самарадорлигини оширишга ҳаракат қилмоқда. Зеро, ижтимоий фаоллик, сиёсий етуклик янгидан-янги ютуқларга эришишда ҳал қилувчи аҳамият касб этади

Беҳзод ИСРОИЛОВ,  
«XXI asr»

— Биз ўз гоё ва мақсадларимизни рўёбга чиқаришда асосан қуйи бўғинларга таянаемиз, — дейди О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг бошланғич ташкилотлар билан ишлаш сектори бош консультанти Бахтиёр Аҳмедов. — Ушбу тажриба ўзини тўла оқламоқда. Йилнинг ҳар чорағида БПТлар фаолияти атрофлича таҳлил қилиниб, тегишлича хулосалар чиқарилаёпти. Айни пайтда ҳудудий партия ташкилотларига 14, туман ва шаҳар тузилмаларига эса 196 нафар масъул ходим бириктирилган бўлиб, уларнинг гоёвий билими ва маънавиятини оширишга жиддий эътибор берилмоқда. Бу жараёнда жойлардаги Сиёсий таълим марказларининг ҳиссасини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Чунинки, 2013 йилнинг ўтган даврида ана шу институт томонидан 7744 нафар БПТ етакчиси иштирокида турли мавзуларда сиёсий ўқувлар ташкил этилди. Юртбошимиз асарлари ва маърузалари юзасидан атрофлича фикр юритилди.

Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институтга билан ҳамкорликда ташкил этилган «Сиёсий партияларда бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусидаги семинар-машуғулотлар эса партиявий тадбирларни йўлга қўйиш, маҳаллий кенгашлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш, электрот вакилларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш масалаларга бағишланди. Шу ўринда жорий йилнинг ўтган даврида бошланғич ташкилотлар сони 7807 тага етгани, бошқача айтганда, улар сони бултургига нисбатан 76 тага кўпайганини таъкидлаш мумкин. Партия аъзолари сони эса 178106 нафарни ташкил этмоқда.

Шундан 93823 нафарини ёки 52,7 фоизи иқтисодиётимиз таянчига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти вакиллари, 16965 нафарини эса қишлоқ мулкдорлари, яъни фермер хўжаликлари раҳбарлари ташкил этади.

Партия аъзоларининг 38,1 фоизини аёллар, 50,2 фоизини навқирон авлод вакиллари ташкил этаётгани ҳам жойларда либерал-демократик гоёларга қизиқиш кучайиб бораётганидан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, қуйи бўғинлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва янада такомиллаштиришда ҳисобот-сайлов йиғилишлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Зеро, ушбу тадбир жараёнида БПТларнинг иш фаолияти ҳолисона таҳлил қилиниб, келгусидаги режалар белгилаб олинапти.

Тадбирлар давомида БПТ раисларининг 6811 нафари ёки 88,1 фоизи қайта, 926 нафари ёки 11,9 фоизи янгидан сайланди. Энг муҳими, ҳисобот-сайловлар танқид ва ўз-ўзини танқид руҳида ўтганлигини эътироф этиш жоиз. Уларда 146380 нафар, бошқача айтганда, жами аъзоларнинг 83 фоизи иштирок этиб, партиявий-сиёсий ишларни та-



Сониқ ЗОИР олган сурат

### О'ZLIDEP уставидан

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РАИСИ ВАЗИЯТНИ, ТЕЗ ЎЗГАРИБ БОРАЁТГАН СИЁСИЙ ШАРОИТНИ ЧУҚУР ТАҲЛИЛ ҚИЛА ОЛИШИ, ҲОЛИСОНА БАҲОЛАЙ БИЛИШИ ВА ЖОЙЛАРДАГИ МУАММОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ УЧУН БУТУН МАСЪУЛИЯТНИ ЎЗ ЗИММАСИГА ОЛИШГА ТАЙЁР ТУРИШИ КЕРАК.**

комиллаштириш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилдилар.

Ҳисобот-сайловлар оралигида 599 фуқаро партия аъзоларига қабул қилинган, қуйи бўғинлар сони 18 тага ошгани, бошланғич ташкилотлар ва уларнинг раислари фаолиятига оид махсус электрон жадваллар янгилашгани ҳам эътиборга моликдир.

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси томонидан БПТлар фаолиятини такомиллаштириш ва янада ривожлантириш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирлар режаси асосида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар партия кенгашлари раисларининг БПТ етакчилари ҳамда фаоллар билан амалий мулоқотлар уюштирилаётгани ҳам сиёсий фаолликни ошириш-

да муҳим аҳамият касб этмоқда. Амалдаги йилнинг ўтган даври мобайнида жойларда 704 та тадбир ўтказилди ва уларда 26 мингдан зиёд партия аъзоси иштирок этди. Ушбу жараёнда сиёсий етук, ташаббускор фаоллардан 812 нафари О'zLiDePнинг кадрлар захирасига олингани ҳам диққатга сазовордир.

Партиявий соҳадаги илғор тажрибалар жамоатчилик эътиборига ҳавола этилиб, уларнинг оммавийлигини таъминлаш чоралари ҳам қўрилмоқда. Чунинки, жорий йилнинг ўтган ўйи мобайнида марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситаларида 574 мартаба чиқиш қилинди. Бу эса 2012 йил билан қиёсланганда 30 фоиз кўп, демакдир.

— Ютуқларни эътироф этиш баробарида айрим камчиликлар-

дан ҳам кўз юммаслигимиз керак, — дейди Б.Аҳмедов. — Таҳлиллар ҳудудлардаги айрим бошланғич ташкилотлар фаолияти талаб даражасида эмаслигидан далолат беради. Шуларни назарда тутган ҳолда жойларда қуйи бўғинлар фаолиятини кучайтириш, аъзолар сонини кичик бизнес, яққа тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳисобига кенгайтириш юзасидан алоҳида тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Натижада, қисқа вақт орасида қатор БПТлар фаолияти жонланди, 121 та янги қуйи бўғинга асос солинди.

Дарҳақиқат, аҳолининг ҳаётий эҳтиёжларини қондириш, электрот манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда БПТларнинг алоҳида ўрни бор. Бунинг қуйидаги рақамларда ҳам кўриш мумкин. Ҳисобот даврида партия депутатлик гуруҳлари томонидан тегишли ташкилот ва идоралар раҳбарларига жўнатилган 2229 та депутатлик сўровининг 1437 таси, 500 мансабдор шахс ҳисоботининг 113 таси ҳамда 211 та назорат-таҳлил текширувнинг 97 таси бевосита БПТлар томонидан кўтарилган масалаларга тааллуқлидир. Бу ўтган йилнинг айни даврига нисбатан 55 фоизга кўпдир.

Афсуски, барча туман ва шаҳарларда ҳам партиявий-сиёсий ишлар кўнгилдагидек йўлга қўйилган, деб бўлмайдди. Сўбат-дошмизмнинг фикрича, Самарқанд, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида хусусий сектор вакилларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг талаб-эҳтиёжлари юзасидан юқори партия органларига амалий тақлифлар тақдим этишда суствалик ҳолларига ҳам йўл қўйилмоқда. Бу эса партиянинг негизи ҳисобланган бошланғич ташкилотлар фаолиятини кучайтириш, уларнинг омма билан ҳамкорлигини янада кенгайтириш лозимлигини аналтади. Ана шундангина кўзланган мақсадларни тўла рўёбга чиқариш имконияти туғилади.



## Фаолият сарҳисоби ва галдаги вазифалар таҳлили

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг навбатдаги йиғилишида 422 та бошланғич ташкилотга бирлашган, 9326 нафар аъзоси бўлган ҳудудий партия ташкilotининг 2013 йилнинг тўққиз ойидаги фаолияти атрофлича муҳокама қилинди

Тадбирда таъкидланганидек, ҳисобот даврида халқ депутатлари маҳаллий кенгашларида бўшаб қолган ўринларга О'zLiDeP номзодларининг 22 нафари ёки 46,8 фоизи сайланганлиги вилоятда партия нуфузи ошиб бораётганидан далолат берилоқда.

Дарҳақиқат, депутатлар фаолиятига сайловчилар ишончи қай даражада оқланаётгани нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим. Шу боис ҳам истиқболли дастурлар ва ижтимоий-иқтисодий масалалар ижроси депутатлар томонидан изчил назорат қилинапти. Бунда сайловчилар билан ўтказилаётган учрашувлар давомида кун тартибига қўйилаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратилаётгани муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда Бухорода О'zLiDePнинг 29 нафар вилоят, 139 нафар туман ҳамда 23 нафар шаҳар кенгаши депутатлари фаолият олиб бораёпти. Ҳудудда 4 мингга яқин фермер хўжалиги борлигини инобатга олсак, бу соҳага партиявий эътибор янада кучайтирилиши зарурлиги янада аққол кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам йиғилишда йил бошида белгиланган партиявий тадбирлар талаб даражасида амалга оширилмагани, аграр сектор вакиллари фаолиятига эътибор кучайтирилиши зарурлиги қайд этилиб, аҳоли ўртасида олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, партия сафларини салоҳиятли, билимдон ва иқтидорли ёшлар билан кенгайтириш ҳисобига мустаҳкам кадрлар захирасини яратиш лозим, деган хулосага келинди.

Кенгайтирилган йиғилишда ташкилий масала кўрилди. Фармон Мавлонович Аминов О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгашининг раиси этиб сайланди.

Тадбир якунида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси раиси Муҳаммадусуф Тешабоев вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари олдида турган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритиб, партия сафига қабул қилинган маслақдошларга аъзолик гувоҳномалари ва эсдалик совғаларини топширди.

2013 йилнинг тўққиз ойлик фаолиятига бағишланган йиғилиш О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашида ҳам тахлийитанқидий руҳда ўтди. Унда сўз олганлар Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитасининг қарор ва фармойишлари, вилоят кенгашининг 2013 йилга мўлжалланган иш режасини талаб даражасида бажариш зарурлигига эътибор қаратдилар. Бу борада депутатлик гуруҳлари фаолиятини ташкил этиш, тадбиркорлик субъектлари ва фермерлар билан ҳамкорликни кучайтириш, ёшлар ва аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги мавқеини ошириш масалалари муҳим экани қайд этилди.

2013 йилнинг тўққиз ойи давомида О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгашига турли ташкилотлардан 177 та ҳужжат келиб тушган ва 289 та ҳужжат тегишли идораларга юборилган. Бу вақт оралигида мавжуд 312 та бошланғич партия ташкилоти биттага кўпайиб, аъзолар сони 8330 нафардан 8369 нафарга ортган. Шунингдек, Сиёсий Кенгаши Ижроия кўмитаси тавсиясига мувофиқ, ҳудуддаги йирик корхоналарда бошланғич партия ташкилотлари очилди, партия аъзолари сафини кичик бизнес, яққа тартибдаги тадбиркорлик субъектлари ва фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳисобига оширишга қаратилган ишларни кучайтириш кераклиги таъкидланди. Бундан ташқари Сардоба, Ховос, Оқолтин туманларида йўл қўйилган камчиликларни йил якунига қадар бартараф этиш чора-тадбирлари белгиланди.

Йиғилишда ташкилий масала кўриб чиқилди. Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати, «Сирдарёавтойўл» ҳудудий йўллардан фойдаланиш давлат ташкилоти директори вазифасида ишлаб келаётган Собиржон Сайдиқмуллов Назаров О'zLiDeP Сирдарё вилоят кенгаши раиси этиб сайланди.

Озод РАЖАБОВ тайёрлади.

### ТАДБИР

#### ОДАМ САВДОСИГА ҚАРШИ КУРАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Анджон шаҳридаги «Анджон мобайл» МЧЖда фаолият олиб бораётган БПТда Президентимизнинг «Одам савдосига қарши курашни самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш, унинг мазмун-моҳиятини ёшлар ўртасида кенг тушунириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

— Бошланғич ташкилотимизнинг 15 нафар аъзоси бор, — дейди қуйи бўғин етакчиси Дониёрбек Қозиев. — Гарчи бугунги тадбир давомида одам савдосига қарши курашни бўйича бир қатор ижобий натижаларга эришилаётгани таъкидланган бўлса-да, бундай жиноятлар ҳамон давом этаётгани, бу борадаги ишлар ҳар бир фуқаро, яъни жамоатчилик зиммасига жулда катта масъулият юклаши лозимлиги қайд этилди.

Аҳроржон МУСУРМОҢОВ.

Кўшма корхонада иш билан таъминланган 36 нафар ходимнинг аксариятини маҳаллий ёшлар ташкил этади.

### РЕКЛАМА ЎРНИДА



## Давр билан ҳамқадам



«Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали 2013 йилнинг ўтган даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тузилмаларига 58 миллиард сўмдан зиёд кредит ажратди

Шахзод НАЗАРОВ, «XXI asr»

Бугун мамлакатимиз молия бозорига кечаятган соғлом рақобат муҳити пул-кредит муносабатларини такомиллаштириш, хизмат сифати ва маданиятини янада оширишни тақозо этмоқда. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банкининг Тошкент шаҳар филиали жамоаси ҳам ушбу ҳаётини таллабдан келиб чиқиб, ўз фаолият доирасини тобора кенгайтираётди.

Айниқса, хўжалик юритувчи субъектлар, корхона ва ташкилотларнинг молиявий ҳисоб-китобларини ўз вақтида амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш учун барча имкониятлар сафарбар этилмоқда.

Кредит сармояларни миқдори кўпайиб бораётганлиги ҳам юқоридаги фикримизни тасдиқлаши мумкин. Хусусан, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига банк филиалининг жами кредит қўйилмалари ҳажми 96,5 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу сармояларнинг асосий қисми узок муддатли кредитлардир.

Таъкидлаш жоизки, «Асака» банкининг молиявий ёрдами билан пойтахтимизда мулкдорлар сафи тобора кенгаймоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун 58 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилгани ҳам бежиз эмас.

Аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш, шаҳримизни янада ободонлаштириш, ҳозирги кунда алоҳида аҳамият касб этади. Шу мақсадда «MAN» русумли автомобилларни харид қилиш учун «Асака» банкининг Тошкент шаҳар филиалига мурожаат этган эдик, —

## Йилига ўн олти миллион шприц нақд

Навоий шаҳрида Жанубий Корея билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик доирасида фаолият юритаётган корхоналар сони яна биттага ошди. Яқинда бу ерда йилига 16,2 миллион дона шприц ишлаб чиқариш қувватига эга «Bagil Medical New Technology» қўшма корхонаси иш бошлади. «Bagil Medical» мастуляти чекланган жамияти ва «Tolbiz Co. Ltd» компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган янги корхонага қиймати бир миллион долларлик энг замонавий технологиялар ўрнатилди. Корхона директори Фахриддин Баротовнинг таъкидлашича, хорижий етакчи компанияларида ишлаб чиқарилган мазкур технологиялар тўлиқ компьютерлаштирилган.

Қўшма корхона очилиши тўғрисида доимий иш билан таъминланган 36 нафар ходимнинг аксариятини маҳаллий ёшлар ташкил этади.

Мансур АСЛОНОВ.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

— Қанақа одамни кучли ҳисоблаш мумкин? — деб бир файласуфдан сўрабдилар. — Нафсини тия оладиган, эгри йўлдан ҳазар қила оладиган одамни, — дебди файласуф.

Микрокредитлар миқдори 78,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсди.

# Тараққиёт сармоялари

Қашқадарё вилоятидаги тижорат банклари «Обод турмуш йили»нинг ўтган тўққиз ойида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришга оид лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида эътибор қаратди

Акбар МУЗАФФАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш банклари зиммасига алоҳида масъулия юклайди. Ана шу тамойилдан келиб чиққан ҳолда жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида вилоят банклари томонидан мазкур соҳага 298,1 млрд. сўм миқдорда кредит ажратилди. Бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,3 баробарга кўпдир. Энг муҳими, ушбу кредитларнинг 72 млрд. сўми саноат, 49,7 млрд. сўми қишлоқ хўжалиги, 81 млрд. сўми айланма маблағларни шакллантириш, 66,7 млрд. и курилиш ва маиший хизмат соҳаси, 28,6 млрд. сўми эса бошқа тармоқларни ривожлантиришга йўналтирилди. Кези келганда, банклар томонидан ажратилаётган микрокредитлар миқдори ҳам йил сайин ошиб бораётганини таъкидлаш жоиз. Вилоят Марказий банк мутахассислари бу йилда микрокредитлар миқдори 78,6 млрд. сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 1,3 баробарга ўсганини қайд этмоқдалар.

«Обод турмуш йили» Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар, вилоят ҳудудий дастуридан ўрин олган устувор йўналишлар зиммамизга алоҳида масъулия юклайди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Қашқадарё вилоят бошқармаси бошлиғи Тўлқин Каримов. — Бундан ташқари Президентимиз фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш учун барча тижорат банклари билан муҳим соҳа ва тизимларни, айниқса, хусусий секторни қўллаб-қувватлашга бирламчи эътибор қаратяпмиз. Бундай эътибор, шубҳасиз, вилоятимиз иқтисодиётини, бошқача айтганда, юртдошларимиз фаровонлигини юксалтиришга қаратилган, албатта.

Ҳа, чиндан-да мамлакатимизнинг юксак салоҳиятга эга бўлган вилоятида кенг қўламли ислохотлар изчиллиги таъминланаётди. Бунда иқтисодиётнинг қон томири бўлган банк тизимининг алоҳида ўрни бор.

Қашқадарёда тадбиркорлик сир-асрорларини пухта эгаллаган хотин-қизлар сафи ҳам тобора кенгайиб бормоқда. Бу эса уларнинг кредитларга бўлган эҳтиёжини ошираяпти. Шунинг учун ҳам жорий йилда молия муассасалари томонидан аёллар тадбиркорлигини ривожлантиришга 21,8 млрд. сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

Шу ўринда банклар томонидан эртамаиз эгалари ҳисобланган ёшлар хусусан, касб-хунар коллежи битирувчиларига яратиб берилаётган имкониятларга ҳам алоҳида тўхталиш мумкин. Жорий йилнинг ўтган давридагина коллеж битирувчиларига имтиёзли шартларда 5,4 млрд. сўм миқдорда микрокредитлар ажратилиши натижасида 600 та янги иш ўрни яратилди.

Албатта, тадбиркорлик ҳар қандай кишидан сабр-қаноат ва қатъият талаб этади. Шундан келиб чиққан ҳолда воҳа тижорат банклари томонидан эндигина тадбиркорликка қадам қўйган ёшларга нафақат молиявий, балки соҳа сир асрорларини пухта эгаллашларида ҳам амалий кўмак берилмоқда. Яъни тижорат банкларида ёш тадбиркорлар учун турли мавзуларда ўқувлар, семинар-тренинглар ўтказилляпти.

Айни кундаги энг муҳим вазифалардан яна бири, шубҳа-



сиз, аҳолини сифатли озиқ-овқат ва ноозик-овқат маҳсулотлари билан таъминлашдан иборатдир. Бу эса кўп жиҳатдан тадбиркорлик субъектларининг барқарор фаолиятига боғлиқ, албатта. Шу йилнинг ўтган 9 ойида вилоятда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва бозор пештахталари маҳаллий истеъмол товарлари билан тўлдиришга 86,5 млрд. сўм маблағ йўналтирилгани эса Қашқадарёда бу масалага банклар томонидан алоҳида эътибор қаратилаётганини кўрсатади. Ушбу сармояларнинг 27,1 млрд. сўми чорвачилик, 6,5 млрд. сўми мева-сабзавот маҳсулотлари етиштириш, 0,8 млрд. сўми балиқчилик ҳамда 1,3 млрд. сўми асаларичиликни ривожлантиришга йўналтирилди. Ноозик-овқат товарлари ишлаб чиқаришга эса банклар томонидан 15,3 млрд. сўм кредит ажратилган.

Мана, бир мисол. «Шуҳрат Гранд Фишинг» фермер хўжалигига балиқчиликни ривожлантириш учун «Туронбанк» Қарши филиалидан 85 млн. сўм кредит ажратилган эди. Натижада хўжаликда балиқ етиштириш ҳажми кескин ошиб, маҳсулот бозор пештахталарига пешма-пеш етказиб берилмоқда.

Албатта, кучли рақобат шароитида тижорат банкларининг молия бозоридан барқарор ўрин эгаллашида уларнинг инвестицион фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Инвестиция муҳитини рағбатлантириш, ўз ўрнида ишлаб чиқариш корхоналарини

модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва энг асосийси янги иш ўринлари ташкил этилиши эса юртдошларимиз фаровонлигига хизмат қилади. Қашқадарё вилоят банклари ҳам ана шу мезонга амал қилган ҳолда кўплаб хайрли ишларга бош қўшмоқдалар. Жумладан, тижорат банклари балансига қабул қилинган 2 та корхонага киритилган 2,6 млрд. сўм инвестиция ҳисобига ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди. Эътиборли томони — мазкур корхоналарда жорий йилнинг 9 ойида 27,7 млрд. сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди. Экспорт ҳажми эса 9,5 млн. АҚШ долларини ташкил этди. Энг асосийси эса қайта «тузилган» корхоналарда 615 та янги иш ўрни яратилди.

Кундан-кунга юксалаётган вилоятда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлашга ҳам бирламчи эътибор қаратиляпти. Хусусан, жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида банклар томонидан ана шу мақсадлар учун 963,9 млрд. сўм миқдорда кредит йўналтирилиб, уларнинг 517,4 млрд. сўмини қисқа, 446,6 млрд. сўмини эса узок муддатли кредитлар ташкил этди.

Маълумки, бугунги кунимизни банк пластик карточкалари сиз тасаввур этиш қийин. Банк муассасалари ана шу талабни назарда тутиб, пул муомаласини такомиллаштириш, унинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги

ҳисоб-китобларни амалга оширишда пластик карточкалардан янада кўпроқ фойдаланиш бўйича фаол иш олиб бормоқда. 2013 йилнинг ўтган даврида 960,4 мингта пластик карточка муомалага чиқарилгани ҳам шундан далolat бераяпти.

Мавжуд банк филиаллари, савдо ва хизмат кўрсатиш шох-бўчаларида 9244 та терминал ўрнатилган. Шу билан бирга, 9 та банккомат ва 49 та инфокиоск аҳолига хизмат кўрсатишга 2013 йилнинг ўтган даврида савдода ўтказилган транзакциялар миқдори 756,5 млрд. сўм, пуллик хизмат кўрсатиш шох-бўчалари орқали ўтказилган транзакциялар эса 160,3 млрд. сўм ҳамда коммунал тўловлар учун ўтказилган транзакциялар ҳажми 31,1 млрд. сўмни ташкил этди. Шунингдек, жойларда инновацион технологиялар асосида банк хизматлари кўрсатиш ҳам самарали йўлга қўйилган. Ҳуқуқорлар «Internet banking» «SMS-banking» каби масофавий банк хизматларидан фойдаланиб, қимматли вақтларини тежамоқдалар.

Бир сўз билан айтганда, Қашқадарё вилоят банклари воҳанинг иқтисодий салоҳиятини янада ошириш учун миқдорлар ишончини қозониш, уларга кўрсатилаётган хизматлар сифати ва маданиятини юксалтиришга ҳаракат қилмоқдалар. Зеро, иқтисодий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада яхшилашга ҳудуддаги молия муассасалари ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

### ЭЪПОН

## «OBIDA RIAL PROFESSIONAL» МЧЖ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулк қўйилмоқда:

1. СИБ Учқўприк туман ва ФВХ судининг 04.01.2013 йилдаги 15-1304/1520-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, Янги Дехқонов ММТП МЧЖга қарашли Учқўприк тумани, Янгиқиллоқ ҚФЙ, Турғоқ қишлоғида жойлашган таъмирлаш устaxonасининг бино иншоотлари. **Бошланғич баҳоси 138 626 000 сўм.**

Мулк билан туман суд ижрочилари вакиллари иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Очик аукцион 2013 йил 25 декабрь соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш 2013 йил 23 декабрь куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Талабгорлар диққатига!

Юқоридаги мулклар 2013 йил 25 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий аукцион савдоси 10 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу очик аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 30 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатал пулини савдо ташкилотчиси — «OBIDA RIAL PROFESSIONAL» МЧЖнинг куйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

х/р: 20208000804966256001, ИНН: 302256866, «Агробанк» ОАТБ Фарғона филиали МФО: 00495.

Аукцион ғолиби 5 банк кундан кечиктирмасдан кўчмас мулк қийматини тўлаши шарт. Манзил: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 60-уй, тел: (8-595) 400-46-37. Лицензия № RR-0118.

КУТЛОВ

# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

барча юрtdошларимизни  
Ўзбекистон Республикаси  
КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ  
ҚИЛИНГАНЛИГИНИНГ  
21 йиллиги  
билан самимий қутлайди.  
Мамлакатимизда адолат ва  
қонун устуворлиги  
тантана қилаётган  
бир даврда сизларга  
сиҳат-саломатлик,  
оилавий бахт ва  
хонадонларингизга  
осойишталик тилаймиз!



**БАЙРАМИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!**

Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 28 ноябрь-5 декабрь кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгарувчан бўлиб, ҳафта охирида ёғинлиги кўпаймоқда. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади. 1 декабрда унинг тезлиги 15-20 м/сгача кучаяди.



Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 2-7 даража илқидан 2 даража совуқ-3 даража илққача, кундузи 5-10 даража илқ атрофида бўлади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража илқ, дам олиш кунлари эса ҳарорат кечаси 0-5 илқ, кундузи 8-13 даража илққача пасайди. Қашқарлар ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 4-9, кундузи 18-23 даража илқ, ҳафта охирида ҳарорат бироз пасайиб, кечаси 1-6, кундузи 10-15 даража илқ бўлиши кўтилган. Республиканинг шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида термометр миқдори кечаси 0-5, кундузи 29 ноябрь-1 декабрда 12-17, 2 декабрда эса 7-12 даражагача илқ бўлишини кўрсатади. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳарорат кечаси 2-7, кундузи 13-18, баъзи жойларда 20 даража илққача кўтарилди. Дам олиш кунлари кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илқ бўлади. Тоғли жойларда 29-30 ноябрь кунлари кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илқ, ҳафта охирида бориб эса кечаси 3-8 даража совуққача, кундузи 0-5 даража илққача аста-секин пасайди.

Реклама

LADA БИЗНЕС
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»
ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.
ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.
ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.
ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.
ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.
Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz

Реклама

«NAVOIYAZOT» ОАЖ
«ХОРАЗМ ГИЛАМЛАРИ» МЧЖ ВА «OZODA OZOD» ҚҚ
билан ҳамкорликда ишлаб чиқарилган кенг турдаги гиламларнинг
Хоразм ва Elegant артикулларини ишлаб чиқарувчи нархларида сотувга таклиф этади
ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
БАРЧА КОРХОНА ВА
ТАШКИЛОТЛАРНИ
ҲАМКОРЛИККА
ТАКЛИФ ЭТАМИЗ!
Барча турдаги
тўловлар қабул қилинади
Маҳсулотларни Тошкент шаҳридаги
савдо дўконидан харид қилиш учун
қуйидаги телефон рақамига мурожаат қилинг:
(+99890) 954-74-19

Ўзбекистонда

ишлаб чиқарилган автомобиллар қаторига «Chevrolet Orlando»
русумли оилавий минивэн ҳам қўшиладиган бўлди



O'ZLDeP фаолияти,
партия турмуши ва партиясининг
таъин бўлиши — БПТлар
фаолиятдан аввал,
мамлакатнинг ва
хорижда рўй бераётган
энг сўнгги янгиликлар
«XXI ASR»
ижтимоий-сиёсий газетаси саҳифаларида

КАБАРЛАР

ТАЛАБАЛАР ҲАМ,
ЎҚИТУВЧИЛАР
ҲАМ «ҲАЙДАЛДИ»

Дрезден техника
университетига
кутилмаганда барча
талабалар ва жамик ишчи-
хизматчилар ишдан
ҳайдалдилар...
Душанба куни эрталабдан
университетнинг салкам 50
минг нафар талаба ва
ўқитувчиси электрон
манзилга ўқишдан ва
ишдан озод этилгани
ҳақидаги билдирувлар кела
бошлаши табиийки ҳаммани
ҳайратга солди. Аммо, кўп
ўтмай, ушбу жўнатмалар
компьютер тизимида юзага
келган техник носозлик
оқибати, аниқроғи, ишдан
бўшатилганлик ва ўқишдан
четлатилганлик тўғрисидаги
намуна хати билим юрти
маълумот базасидаги барча
талаба ва ўқитувчиларга
жўнатилгани маълум
бўлди.
Вазиятни ўнглашга ҳаракат
қилган университет
раҳбарияти дарҳол аввал
жўнатилган билдирувлар ўз
кучини йўқотгани ҳақидаги
узрли хабарларни юбориш
чораларини кўргандан
кейингина билим даргоҳи
яна изта тушди.



ШОТЛАНДИЯЛИКЛАР
МУСТАҚИЛЛИК
УЧУН ОВОЗ
БЕРАДИЛАРМИ?

Жаҳон оммавий ахборот
васиталарида 2016 йилнинг 24
мартда Шотландия Буюк
Британия таркибидан чиқиши
ва мустақил давлатга
айланиши мумкинлиги хабар
қилинмоқда. Бунинг учун 2014
йилнинг 18 сентябрь куни
ўтказилган референдумда
шотландияликларнинг
кўпчилиги овоз берса бас.
Куни кеча маҳаллий ҳукумат
Бирлашган Қиролликнинг ушбу
қисмини алоҳида давлатга
айлантириши бўйича бош
ҳужжат — «Оқ китоб»ни
тақдим этди. Унда
мустақилликнинг иқтисодий,
ижтимоий ва демократик
принциплари баён қилинган.
Ҳукумат вакиллари
Шотландия аҳолисини 670
бетдан иборат «Оқ китоб»
билан танишиб чиқишга ва
келгуси йилда тўғри қарор
қабул қилишга ундамоқда.

РАҲБАРЛАРНИНГ
40 ФОИЗИ АЁЛЛАР
БЎЛИШИ КЕРАК

2020 йилга бориб, Европада
фаолият юритаётган
хусусий компанияларнинг
директорлар кенгашидаги
ўринларнинг камида 40
фоизини аёллар эгаллайди.
Ҳозир бу кўрсаткич 17,6
фоизни ташкил этади.
Европа парламенти
Страсбург шаҳрида
ўтказилган сессияда шу
хусусда қарор қабул қилди.
Давлат компанияларида эса
мазкур меъёр 2018 йилгача
бажарилиши керак. Аммо
ҳодимлари сони 250
кишидан кам бўлган
ташкilotларга ушбу тартиб
жорий қилинмайди.
Европа Иттифоқида аъзо
давлатлар ушбу қонданинг
амалга оширилишини
назорат қилиши керак.
Мазкур директива Европа
Иттифоқи Кенгаши
томонидан тасдиқланса,
қонуний қучга кирди.

Гулноза МУҲИДИНОВА
тайёрлади.



«Chevrolet Orlando» муборак!

2014 йилнинг биринчи чорагидан бошлаб «GM Uzbekistan» қўшма
корхонасида ишлаб чиқариладиган автомобиллар қаторига «Chevrolet
Orlando» русумли оилавий минивэн ҳам қўшиладиган бўлди

Таъкидлаш жоиз: биринчи
мартта 2008 йилда, Париждаги
автосалонда концепт-кар сифа-
тида намоиш этилган мазкур
автомобиль 2010 йилдан сери-
яли ишлаб чиқарила бошлан-
ган.
Мутахассисларнинг таъкид-
лашича, ўзига хос ташқи кўри-
нишга эга «Chevrolet
Orlando»нинг бошқа минивэн-
лардан устун томонлари унинг
етти кишига мўлжаллангани-
дир. Бундан ташқари янги ав-
томобиль ўриндиқларини 16
хил кўринишда ўзгартириш ҳам
мумкин. Бошқача айтганда, ав-
томобиль эгаси хоҳлаган пай-
тда, энг муҳими, ҳеч қандай
қийинчиликсиз салоннинг бир
қисмини кенг юкхонага айлан-
тира олади.

Ш.Хўжаев тайёрлади.

ЎН БЕШ ЙИЛ ДЕГАНДА ТОПИЛГАН ЖОНИВОР



Яқинда Вьетнам қангалзорларида ўрнатилган автоматик фотокамера ўн
беш йилдан буюн одамзот кўзига кўринмаётган, Ер юзидagi ноёб сўт
эмизувчи ҳайвонлардан бири — саолани суратга олди.
Эътиборлиси, жуфтоққиллар гуруҳига мансуб, яъни кийикка ўхшаш
жонивор 1992 йилда топилган бўлиб, ўшанда янги тур сифатида рўйхатта
олинган. Мутахассислар орадан бир йил ўтиб, ўраниш учун тутиб
олинган ана шу икки ноёб ҳайвон тутқуликка бардош бера олмай, нобуд
бўлганини таъкидламоқдалар.
Жануби-шарқий Осеё ўрмонларида яшовчи саолалар одамлар кўзига
сўнгги марта 1998 кўринган экан.

SAMSUNG — БИРИНЧИ МАРТА БИРИНЧИ

Жанубий Кореянинг Samsung Electronics компанияси ўз тарихида илк мартаба мобил телефонлар бозорининг
етакчисига айланди.
Yonhar агентлигининг хабар беришича, 2013 йилнинг учинчи чорагида компания Шимолий Америка, Европа,
Осеё ва Африка мамлакатларида жами 120 млн. дона уяли телефон сотган. Бу эса 2012 йилнинг ана шу
даврига нисбатан 16,6 фоизга кўпдир.
Энг муҳими, шу тарихга жаҳон бозоридagi улушини 28,7 фоизга етказган Samsung ўз мижозларига Nokia, Apple
ва LG Electronics компанияларининг биргаликда ишлаб чиқарган уяли алоқа воситалари сонига нисбатан
кўпроқ маҳсулот етказиб берган.

Автомобили УАЗ
от дилера «SARDOR AVTO INVEST»
УАЗ Patriot (comfort) — пикап
Полноприводный (4x4)
ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.
(+99895) 177-01-17.
Узнай больше на сайте www.sardor-avto.uz